



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Имтиҳондан  
яхши ўтишнинг  
энг мақбул йўли  
унга доимо  
тайёргарлик  
кўриб яшашдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 8-iyun, seshanba, 67 (23.503)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎТТИЗ ТўРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТўҒРИСИДА

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ ўттиз тўртинчи сессияси **2021 йил 11 июнь куни соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Раджабовнинг вилоятда 2021-2023 йилларга мўлжалланган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш Дастури юзасидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи;

- Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилояти

бошқармаси бошлиғи М.Қурбановнинг 2021 йилнинг 5 оyi давомида давлат хизматлари кўрсатилиши ҳолати бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти;

- Халқаро молия институтлари иштирокида Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри ичимлик ва оқова сув тизимларини модернизация қилиш ҳамда Самарқанд вилоятининг 6 та туман марказлари ва шаҳарчаларида оқова сув тизимларини қуриш лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисида;

- бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими Э. ТУРДИМОВ

2021 йил 5 июнь № 116-Қ

## ЕТТБ биринчи вице-президенти Самарқандда



Юртимизда меҳмон бўлган Европа тикланиш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Юрген Риктеринк бошчилигидаги делегация яқшанба куни Самарқандга келди.

Мартабали меҳмонларни темир йўл вокзалда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Уроқов бошчилигида жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

Делегация аъзолари Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 2023 йилги анжумани ўтказилиши режалаштирилаётган Самарқанд халқаро туристик марказидаги қуриш-бунёдкорлик ишлари билан танишиб, тарихий обиддалар ва диққатга сазовор масканларни томоша қилдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июнда қабул қилинган қарорига кўра, Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасида вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари ҳамда вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбарининг қотибият мудири лавозимлари жорий этилди.

## Вилоят ҳокимлиги бошқаруви тузилмасига ўзгартириш киритилди

Давлатимиз раҳбари жорий йил 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига амалга оширган ташифи чоғида вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилиши ва бу вазифани айна пайтда “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари бўлган Жамшид Ҳайдаров бажаришини қайд этганди.

Янги ўринбосар лавозими жорий этилиши муносабати билан “Самарқанд вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари” лавозими “Самарқанд вилояти ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари” лавозими этиб номланди (шубу вазифада Акмал Шукуров ишлаб келмоқда).

Вазирлар Маҳкамаси қароридан Самарқанд вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбарининг асосий вазифалари белгиланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 4 июнь куни вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди.

## Паст Дарғомда Маҳаллабай ишлаш маркази фаолият бошлади

“Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этишнинг Самарқанд тажрибасини амалиётга табиқ этиш мақсадида жорий йилнинг 6 май куни давлатимиз раҳбари томонидан “Самарқанд вилоятида эксперимент тарихида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор имзоланди.

Мазкур қарор билан вилоятимизнинг Паст Дарғом, Ургут ва Булунғур туманларида 1 июндан бошлаб туман ҳокимлиги таъсисчилигида Маҳаллабай ишлаш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятнинг қолган туман ва шаҳарларида эса бундай марказлар 1 августга қадар ташкил этилади.

Президентимиз шу йилнинг 15-16 апрель кунлари вилоятимизга ташифи чоғида “маҳаллабай” ишлашда Самарқанд тажрибасини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берган эди, – дейди Паст Дарғом тумани Маҳаллабай ишлаш маркази директори Тоҳир Қосимов. – Шундан сўнг Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров бошчилигида янги тизимни жорий этиш бўйича ҳаракатлар бошланди ва давлатимиз раҳбарининг қароридан бунинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Шунингдек, қарорда аҳолининг бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш чораларини қўриш, маҳаллабай ишлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга, жумладан, аёллар ва ёшларга кредит ҳамда субсидиялар олишда кўмаклашиш, тадбиркорлик, хунармандчилик қилиш истагини

билдирганларга замонавий асбоб-ускуналар ҳамда мини-технологиялар топишда кўмаклашиш, маҳалладаги инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чораларини қўриш ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини юритиш ва малака ошириш истагини билдирган фуқаролар билан ишлаш марказининг асосий мақсад ва вазифалари сифатида белгиланди.

Туманимизда 45 шат бирлигидан иборат, жумладан, 9 нафар аппарат ходими ҳамда 36 нафар маҳаллабай ишловчи инспектор фаолият кўрсатадиган марказ тузилди. Марказ бино, замонавий ахборот воситалари билан таъминланди.

Марказ тузилмасида тўртта – маҳаллаларда тадбиркорликни, инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўлими ташкил этилди. Ҳар бир бўлимда бир нафардан бошлик, бир нафардан бош мутахассис шатти мавжуд. Бу вазифаларга бўлимлар фаолият йўналишидан келиб чиқиб, мутахассис кадрлар танланди. Туманимизда мавжуд 107 маҳалла ҳар бир инспекторга учтадан (бир нафар инспекторимизга иккита) тақсимлаб берилиб, улар ўзлари бириктирилган ҳудудларда иш бошлади. Инспекторлар ҳам танлов асосида, белгиланган тартибда суҳбатдан ўтиб, ишга қабул қилинди.

Уларни маҳаллаларга бириктиришда эса имкон қадар ўз яшаш ҳудудларига яқинлиги инobatга олинди. Сабаби, улар асосан маҳаллаларда, фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосари билан ҳамкорликда ишлайди, хонадонма-хонадон юриб, аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга бўлиши учун ўрганиш ишлари олиб бориб, бу ҳақда бизга маълумот киритади. Шундан сўнг аниқланган муаммо ва муурожаатларни мувофиқлаштириб, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари ва бошқа масъуллар билан биргаликда ҳал этиш чорасини кўрамыз. Яъни, ишсиз фуқарони касб-хунарга ёки тадбиркорликка ўқитиш, уни ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун имконият яратиш бўйича иш олиб борамиз.

Айни пайтда марказ йил бошидан буён маҳаллаларга бириктирилган доимий вакиллар томонидан ўтказилган хатлов натижалари асосида доимий даромад манбаига эга бўлмаган 1798 нафар фуқаро рўйхатини маҳаллалар кесимида тузиб чиқиб, йўл хариталари тайёрламоқда. Уларнинг қизиқиш ва интилишларига мос касб-хунарга ёки тадбиркорликка ўқитиш чораси қўрилади, ўз хонадонда, маҳалласида ишлаши учун имконият яратиб берилади. Бу фуқароларга имтиёзли кредит ёки субсидия ажратиш масалалари кўриб чиқилади.

Дастлабки босқичда маҳаллаларда 256 та энгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳ.ҲАСАНОВ.

««« Эшлар ойлиги »»»»

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда 30 июнь – Эшлар куни олдида “Эшлар ойлиги” доирасидаги тадбирлар давом этмоқда. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида амалга оширилаётган лойиҳалардан бири – “Ҳокимнинг ёшларга муурожаати”.

## Ҳокимлар ёшларга муурожаат қилди

Булунғур тумани ҳокими Баҳодир Баҳромов ҳам туман ёшларига муурожаат қилди.

– Жорий йилнинг ўтган даврида банд бўлмаган 735 нафар ёш доимий ишга жойлаштирилди, – деди Б.Баҳромов. – 559 нафар йигитга ер берилди. Тадбиркорликка қизиқадиган 490 нафар ёшга эса 10 миллиард 481 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. “1+1” лойиҳаси доирасида 93 нафар йигит-қиз тадбиркорларга бириктирилди. “Эшлар дафтари”га киритилган 586 нафар йигит-қизга “Эшлар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 870 миллион 150 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Учрашув сўнггида иқтидорли, фаол ёшларга “Ҳоким стипендияси” учун сертификатлар, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, Каттақўрғон шаҳри, Ургут ва Нуробод туманларида ҳам ҳокимлар ёшларга муурожаат қилди. Улар “Этибордагилар” лойиҳасида ҳам иштирок этиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ёшлар ҳолидан хабар олди.

Т.НАРЗУЛЛАЕВ.

Жорий йил ёз мавсумида вилоятимиздаги оромгоҳларда 21 минг 130 нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, болаларнинг сифатли соғломлаштирилиши ва дам олишини ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Унга кўра, 9630 нафар бола Самарқанд шаҳридан ташқарида жойлашган 20 та оромгоҳга юборилади. 11500 нафари кундузги оромгоҳларга жалб этилади.

Шунингдек, санитария қоидалари ва талаблари асосида барча шароит ва кулайликка эга бўлган таълим муассасаларида ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари хоҳиш-истаклари инobatга олинган ҳолда “Соғломлаштириш майдончалари” ташкил этилади.

Оромгоҳларда болажонлар учун кўнгулочар маданий ва спорт тадбирлари ўтказилади. Инглиз тили мутахассислиги бўйича ўқитилган иқтидорли талабалар оромгоҳларга имтиёзли шартларда қабул қилинади. Мухими, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар фарзандлари оромгоҳларга

## Миронқулсой бўйидаги УЧ ОРОМГОҲ



беғул жойлаштирилади.

Оромгоҳларнинг мавсумга тайёрлагиларини билиш мақсадида Самарқанд туманида бўлди.

► ОРОМГОҲДА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ МАСАЛАСИ ҲАЛ Бўлди

Самарқанд тумани ҳокимлиги қарашли “Ситора” болалар оромгоҳи

Миронқулсой бўйида, шундоққина тоғ ён бағрида жойлашган. Бу ерда мавсум давомида 1000 нафар болани вилоят қасаба уюшмалари ташкилоти йўлланмаси асосида қабул қилиш учун шароит яратилган. Унга элтувчи йўл ҳам янгидан асфальт қилинибди.

– Оромгоҳимизда тоза ичимлик суви муаммоси бор эди, туман ҳокимлиги томонидан бу масала ижобий ҳал этилди, – дейди “Ситора” болалар оромгоҳи директори вазифасини бажарувчи Давлат Ахоров. – Шунингдек, масканимизда кириш қисми ва асосий маданий тадбирлар ўтказиладиган майдонимиз асфальт қилинди. Хозирда ховлидаги ёриткич чироклари янги сисга алмаштирилмоқда.

Масканд бўлганимизда очик кинотеатр борлигини ҳам кўрдик. Спорт майдончалари тартибга келтирилмоқда, кутубхона китоблар билан тўлдирилган.

► “АЛПОМИШ” ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли “Алпомиш” оромгоҳи Урта Оҳалик маҳалласида жойлашган. У ерда қурилиш ишлари кетаётганига гувоҳ бўлди.

– Ўтган ҳафта Самарқанд шаҳар ҳокими Б.Облақулов оромгоҳини мавсумга тайёрлаш масаласида келиб, ётоқ биноларимизни қайта таъмирлашда кўмак беришини айтгани, – дейди оромгоҳ

««« Ёз – 2021 »»»»

директори вазифасини бажарувчи Самандар Абдуқулов. – Ўша пайтдан бошлаб биноларнинг том қисми, пол ва шифтлари тўлиқ янги сисга алмаштирилди, ётоқ тўшақлари ҳам янгиланади. Бу ишлар учун шаҳар ҳокимлиги томонидан 200 миллион сўм сарфланмоқда. Икки-уч кунда ишлар якунига етказилади. Масканимизда шаҳар мактабларининг ишчи-ҳодимлари, ўқитувчиларнинг 660 нафар фарзандлари учун навбатда дам олишади.

► “УЧҚУН” БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

Миронқул маҳалласидаги Самарқанд тумани халқ таълими бўлимига қарашли “Учқун” болалар оромгоҳига киришимизда бизни оромгоҳ директори вазифасини бажарувчи Толиб Муинов кутиб олди.

– Бу ерда туманимизнинг турли маҳалла ва қишлоғидан болалар ва уларнинг ота-оналари келади, – дейди Т.Муинов. – Албатта, уларнинг кўнглини кўтариш, шароит яратиш бизнинг асосий вазифамиз. Оромгоҳ ҳудудида дарахларнинг кўплиги ҳавонинг софлигини ҳам таъминляпти. Бу йил 25 ўринли энгил конструкцияли бино қурдик. Эндиликда мавсум давомида, тўрт навбатда 370 нафар бола қабул қилишимиз мумкин. Ювиниш хонаси таъмирли муҳтож бўлгани учун айна пайтда янгиланмоқда.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.



# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ МУМКИНМИ?

**Жорий йилнинг 14 май куни Президент Ш.Мирзиёев иқтисодий фаолиятнинг биринчи чорак якунларига бағишланган видеоселектор ўтказди. Унда қайд этилдики, ҳисобот даврида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 3,3 фоиз, жумладан, саноатда 3,6 ва қишлоқ ҳўжалигида 3,1 фоиз ўсишга эришилган.**

Видеоселектор материаллари билан танишсангиз, шундай хулоса келиб чиқади: гап макроиктисодий ўсиш сурьатларида эмас, балки ушбу фаолиятнинг самарадорлиги тўғрисида бормоқда. Тан олиш керак, шу пайтгача ёндашув умуман бошқача эди.

Мисол учун, Жомбой туманидаги "MAN" автомобиль заводи 2020 йилнинг 9 оyi якунлари бўйича товар ишлаб чиқариш ҳажмини 40 фоизга пасайтирганда, иқтисодий блок ушбу пасайишни қолган 300 та кичик корхона ҳисобидан ёпиш тўғрисидаги гоғани илгари сурган эди. Бундай мантисқис ғоя муаллифлари ушбу корхоналар фаолиятига ҳам пандемия кучли салбий кўрсатганини инобатга олмасдан фикр юритганлари аниқ. Бундай ёндашувдан мақсад қандай бўлмасин, иқтисодий ўсишни таъминлаш эди. Барчага аён, пандемия шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан, жамоат транспорти, умумий овқатланиш, туризм соҳалари деярли ярим йил давомида фаолият кўрсатгани йўқ. Шунга қарамадан, 2020 йилнинг якунларига кўра, хизматлар соҳасида 7 фоизлик ўсиш қайд этилган, ажабланирида 8

фоизлик сохта ўсиш кўнгилдагидек натижа бермаганини кўп таъкидлашига қарамадан, анъанавий ёндашувдан ҳалигача воз кечмаётган раҳбарлар борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аслини олганда, ЯИМ аҳоли жон бошига 1-2 фоизга ўсганда ҳам (сифат ва юқори меҳнат унумдорлиги ҳисобида) катта ижтимоий натижаларга эришаётган мамлакатлар тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бунинг учун макроиктисодий таҳлили нафақат ЯИМ, балки миллий даромад, истеъмол ва жамғариш фондлари, энергия самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, Ўзбекистон ЯИМ бирлигида ишлаб чиқариш таркиби ўхшаш мамлакатлардан энергияни уч баравар кўп сарфлайди. Бундай ҳолатнинг узок муддат давом этишининг асосий сабабларидан бири - шу пайтгача маиший ва ишлаб чиқариш мақсадларида ёритиш ва иситиш меъерлари алоҳида ишлаб чиқилмаганидир.

Микроиктисодиёт даражасида кўриб чиқилса, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти бирламчи ишлаб чиқариш бўғинида товар маҳсулотининг ҳажми дегани. Ҳўш, корхона фақат ушбу

кўрсаткичга эътибор қаратса-ю, самарадорлик кўрсаткичларини иккинчи даражали деб ҳисобласа, натижа нима бўлади? Албатта, самарали менежмент бунга йўл қўймайди. Нега деганда, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан мақсад фойда олиш ҳисобланади. Махсулот сифати яхшиланмаса, унинг таннархини пасайтиришга етарли эътибор қаратмасдан, нуқул экстенсив йўл танланса, ҳар қандай корхона касодга учрайди. Фойда - бу инвестицион фаолиятнинг асосий манбаи.

Охириги 4 йил давомида асосий капиталга жалб этилган инвестициялар ҳажми ўрта ҳисобда 30 фоизга ўсиб келмоқда. Аммо миллиард долларлик кўшимчалар иқтисодий ўсишни таъминлаётгани йўқ. Масалан, 2020 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти атиги 1,6 фоизга ўсган. Табиий савол туғилади, нима учун олдинги уч йиллик инвестициялар иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилмади?

Гап шундаки, инвестиция иқтисодий самарадорлики таъминлаш мақсадида эмас, шунчаки, миқдорий кўрсаткичларни ошириш мақсадида амалга оширилади. Жуда катта маблағ эвазига ишга туширилган инвестиция лойиҳалари самарадорлиги устидан тегишли мониторинг йўлга қўйилмаган. Узок йиллар давомида иқтисодий назария фани ёрдамида тўпланган тажрибаларга таъмин зарурати мутасадди шахсларнинг ҳаёлига ҳам келмайти.

Жаҳон иқтисодиёти ўта оғир шароитдали-

гани, ундаги конъюнктура жиддий даражада салбий томонга ўзгарганини билиб туриб, статистик маълумотларни косметик йўл билан ясантиришдан не фойда?

Иккинчи чоракда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини тубдан яхшилаш мумкинми? Ушбу мақсадга эришиш учун инобатга олиниши лозим бўлган энг муҳим омиллар - биринчидан, аҳолининг тўлов қобилияти, иккинчидан, экспорт потенциалидан фойдалана олиш лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи бошқа товарларга нисбатан тез сурьатларда ўсаётгани ҳеч кимга сир эмас. 2020 йилда аҳоли ялпи даромадининг 70 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга сарфланаётган эди. Бугунга келиб ушбу нумтаносиблик яна ҳам кучайди. Оқибада энгил автомобиллар, энгил саноат маҳсулотларига нисбатан харид қобилияти пасайди. Гўшт, сут, тухум, картошка нархлари юқори сурьатлар билан ўсиб борди, ўртаҳол оилаларнинг пуллик даромадлари фақат овқатланиш ва коммунал тўловлар билан чекланиб қолмоқда. Гап шундаки, қорамолнинг 90 фоизи деҳқон ҳўжаликлари тасарруфиди. Аммо уларни арзон ва сифатли озуқа билан таъминлашга қаратилган чоралар кўзга ташланмапти. Картошка етиштиришга кредитлар 20 фоиз ва ундан юқори ставкаларда ажратилади. Четдан импорт қилинаётган ушбу маҳсулотнинг бозор нархлари эса маҳаллий маҳсулотдан анча арзон. Паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва соҳа учун

озуқа базасини яратиш ўртасида катта узилишлар мавжуд.

Тан олиш керак, пандемия шароитида янги корхоналарнинг бозорга кириши амримаҳол. "Банкротлик тўғрисидаги" Қонун асосида бундай корхоналар фаолиятига барҳам бериш, уларга тегишли ишлаб чиқариш воситаларини самарали фаолият юритаётган корхоналар ихтиёрига ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шундай ёндашув билан кўзланган натижаларга эришиш эҳтимоли юқорироқ. Ҳўжалик механизми корхоналарни йриклаштиришга қаратилиши лозим. Шубҳасиз, бундай корхоналарнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги юқори даражада.

Менежментнинг асосий вазифаларидан бири - бу таҳлил ва назорат. Бизда эса бунга амал қилинмайди. Мисол учун, Нарпай туманида 2020 йил якунлари бўйича рўйхатга олинган 190 та саноат корхонасидан 107 таси ҳисобот топширган, холос. Кўриниб турибдики, маҳаллий ҳокимият органлари йил давомида ўз ҳудудидаги корхоналар фаолиятини беҳабар қолмоқда.

Шундай экан, иқтисодий фаолият самарадорлиги оддий, катта маблағлар талаб этилмайдиган омилларга ҳам боғлиқ. Демак, иқтисодий фаолиятдаги бошқарув самарадорлигини оширишни шулардан бошлаш керак.



**Илҳом ВАФОВЕВ,**  
ИҚТISODЧИ.

**Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан давлат акция пакетларини "Тошкент" Республика фонд биржаси орқали хусусийлаштириш тартиблари ҳамда "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамиятининг 64,92 фоиз давлат акция пакетларини сотиш ишларини жадаллаштириш бўйича тадбир ўтказилди.**

## Вилоятнинг ёғ ишлаб чиқарувчи гиганти

# СОТИЛМОҚДА



Дастлаб савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида "Тошкент" Республика фонд биржаси бошқарма бошлиғи Азамат Мадаминов тадбиркорларга акциядорлик жамиятлари, акцияларни назорат қилиш, облигациялар ва акция чиқариш, қимматли қоғозларни биржага жойлаштириш тартиблари ва шартлари бўйича тушунча берди. Тизимдаги янгиликлар, воситачи компаниялар, акцияларни халқаро биржаларда жойлаштириш, хориждан туриб республикамиздаги кўчмас мулкларни сотиб олиш борасидаги ишлар бўйича маълумотлар берди.

Куннинг иккинчи ярмида журналист ва соҳа мутахассислари "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти фаолияти билан танишдилар. 1936 йилда ташкил этилган корхонада ҳозирда 703 нафар ходим меҳнат қилмоқда ва кунига 500 тоннагача чигитни қайта ишлаш имконияти мавжуд. Жамиятда пахта ёғидан ташқари иккиламчи маҳсулот сифатида ҳўжалик совуни, чорвачилик ҳўжаликлари учун шрот, шлуха ҳам олинади. 2014 йилда Жаҳон банкининг MAR линияси орқали Европа давлатларидан 965 минг долларлик замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Замонавий ускуналар соатига 35 тонна буг беради ва бу хомашини пишириб, тайёр ҳолга келтиради, олинмаган маҳсулотнинг сифатини оширади. 3 навбатда иш ташкил этиладиган корхона

нада 2014-2018 йилларда Франция ва Хитойдан кунига 120 тонна ёғни қадоқлаш ускуналари келтириб ўрнатилган. Жамият маҳсулотларига талаб юқорилиги боис жорий йилнинг биринчи чорағида ички бозордан ташқари қўшни давлатлар - Афғонистон ва Тожикистонга 700 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Бирок корхонада ўтган йили иқтисодий самарадорлик пасайди. Бунга сабаб нимада? - Бунга биринчи сабаб, 2020 йилда чигитнинг нархи эркинлаштирилиб, биржа савдолари орқали харид қилинадиган бўлди, - дейди "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Бобур Муртозоев. - Бунинг устига пандемия даврида иш ўринларини сақлаш, иш ҳақи тўлаш топширилди. Корхонамиз мавсумий ишлайди, ёз ойларида тўхтайтиди. Яна бунга 2200 сўм бўлган чигит 5800 сўмгача кўтарилди. Шуларнинг ҳисобидан хомашининг таннархи ошиб кетди.

Ушбу корхонада республикамизда ягона бўлган рафинация ускуналари ҳам ўрнатилган. Бу ускуналар орқали олинмаган ёғнинг сифат даражаси оширилади, истеъмолга хавфсизлиги таъминланади. Қолаверса, корхонада Италия, Германия, Россия, Хитой, Франция ва бошқа давлатларнинг энг замонавий технологиялари ўрнатилган.

**Ў.ҚУЗИБОВ.**

# Энди кредит олиш учун банкка борилмайди

**Банк кредити ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини юритаётганлар маблағ олишнинг машаққатини яхши билади. Турли идоралардан маълумотнома, суғурта, қафил ва ҳоказо ҳужжатлар тўплаш, кунлаб оворагарчиликлар. Эндиликда бу каби сарсонгарчиликларга чек қўйиш мақсадида кредит олишда янги тизим жорий этилди. Бу тизим қандай ишлайди, кредит олувчига қандай наф келтиради ва нима афзаллиги бор? Шу саволлар билан Марказий банк вилоят бош бошқармаси тижорат банкларидан давлат мақсадли дастурлари ижросини мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасур Баҳриевга мурожаат қилдик.**

- Президентимизнинг 2021 йил 27 мартдаги "Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан аҳоли ва тадбиркорлардан аризалар жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси орқали қабул қилинмоқда. Бунинг учун oilakredit.uz платформаси ишга туширилди.

Электрон платформани жорий этиш дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришда шаффоф, инсон омилнинг иштироки камайтирилган механизм яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредит ажратилишида ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга қаратилган. Уларга қарор қабул қилиш тизимининг ҳар бир босқичини ҳамда ўзларининг "электрон навбат"ини назорат қилишга имкон яратди. Аҳоли ва тадбиркорлар уй ёки иш манзилдан чиқмаган ҳолда ушбу платформа орқали ариза йўлаб, дастурлар доирасида кредит олиш имконига эга бўлади.

Биргина жорий йил 7 июнгача ушбу платформага 33 324 та ариза келиб тушди (қиёслаш учун 2020 йилда Оилавий

тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида 22 908 нафар миқозга 651 миллиард сўм кредит ажратилган). Оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан ўрганилиб, аризаларнинг 15 332 таси қаноатлан-тирилган, 1 614 таси асослан-тирилиб рад этилган, 339 таси аризалар томонидан қайтариб олинган. Ҳақиқатан ҳам аризалар сони 6 279 тани, ўрганиш муддати (1-5 кун) келмаган аризалар сони 9 760 тани ташкил этмоқда.

Тижорат банклари филиаллари томонидан аризалар ўрганилиб, уларнинг 9 982 таси қаноатлан-тирилган, 2 934 таси асослан-тирилиб рад этилган, ўрганиш жараёнида аризалар сони 398 тани, муддатга келмаган аризалар сони 2 018 тани ташкил этмоқда.

**- Ҳўш, ушбу янги тизимда кредит олувчи учун қандай қўлайлик бор?**

- Oilakredit.uz сайтида аризаларни кўриб чиқиш бир неча босқичларда амалга оширилади. Бу тизимда кредит олувчи ариза ёзгач, унга ариза ҳолати бўйича автоматик равишда 3900 рақамидан СМС хабарномалар келиб туради. Масалан, СМС хабарнома билан аризани тасдиқлаш

## ««« Суриштирув »»»»

**Ногиронлиги бўлган шахслар таълим олиш, меҳнат қилиш, фарзандларини тарбиялаш, жамиятнинг соғлом, фаол аъзолари қаторида барча ҳақ-ҳуқуқларга эга. Ҳеч қизиқиб кўрганмисиз, ногиронлиги бўлган шахслар қандай ишга жойлашади, уларга ҳудудий бандлик бўлимлари ёрдам бераптими?**

## Ногиронлиги бўлган шахслар ҳақиқатда ишга жойлаштирилганми?

Вилоят бандлик бош бошқармасидан жорий йил бошидан буён қанча ногирон шахслар ишга жойлашгани ҳақида маълумот сўрадик. Бизга Самарқанд шаҳридан 3 нафар, Оқдарё, Ургут, Тойлоқ туманларидан 1 нафардан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлашгани ҳақида маълумот берилди. Уларнинг ҳақиқатда ишга жойлашганини билиш мақсадида боғланиб кўрдик.

Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи Фарида Ҳайитова болалиқдан II гуруҳ ногирони экан. - Аввал шаҳардаги 57-маҳсус болалар боғчасида дефектолог-логопед вазифасида ишлардим, - деди у. - Жорий йилнинг 1 февралидан маҳсус боғча умумий болалар боғчасига айлан-тирилди. Шунинг учун иш ўринлари қисқартирилиб, ишсиз қолдим. Шаҳар бандлик бўлимига иш сўраб мурожаат қилганим. 2 апрелдан шаҳардаги 78-МТТга дефектолог-логопед бўлиб ишга жойлашдим.

Биринчи кўнғироқ эгасидан яхши янглик эшитдик. Сўнгра Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони Нилуфар Жамилова билан боғланишга ҳаракат қилдик. Бирок телефонни эркак киши олди, адашиб тушибимиз. Афсуски, II гуруҳ ногирони Нозанин Абдуҳаметовага қилган кўнғироғимизни ҳам нотаниш қиз кўтарди.

Оқдарё туманидан II гуруҳ ногирони Дилафрўз Мардиева котиба вазифасига ишга олинган экан. Бир неча бор кўнғироқ қилдик, аммо у билан боғлана олмадик.

Ургут туманидан берилган маълумотга асосан, II гуруҳ ногирони Содиқ Алиқулвонинг телефон рақами доим бандлиқдан ишламайдиган рақам берилганини фаҳмладик.

Тойлоқ тумани Жумабозор қишлоғида яшовчи II гуруҳ ногирони Орзибек Хуррамов эса ўзи ҳақида маълумот бермаслигини, прокуратурада ишлашни айтиди. Бунинг устига "Сизга телефон рақамини ким берди?" деб дўқ урди.

Мана сизга, вилоят бандлик бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг ногирон шахсларни иш билан таъминлаш масаласида юритаётган фаолияти. Утган сафар ҳам газетамизда чоп этилган "Интернетдаги бўш иш ўринлари ҳақиқатда борми?" сарлавҳали мақолада эълонда берилган телефон рақамлар ишламаслиги ёки бошқаринг номидан эканини айтганим. Бу сафар ҳам худди шундай ҳолатга дуч келдик. Наҳотки, вилоят бандлик бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳали-энг эскича тизимда, яъни ҳисобот учун ишлайётган бўлса! Ҳўш, бундан ким манфаатдор? Жамиятми, одамларми ёки бандлик ташкилоти?

**Ҳуршида ЭРНАЗАРОВА.**

## Каттақўрғонда картон қути тайёрланмоқда



Каттақўрғон туманида тадбиркор Ойбек Тўхтаев раҳбарлигида "Зарина Файз келажаги" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, картон қути ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- Лойиҳани амалга ошириш учун 490 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди, - дейди жамият раҳбари Ойбек Тўхтаев. - Корхонага Хитойдан замонавий ускуналар келтирилди. Тумандаги "Темир дафтра" ва "Ёшлар дафтра"да рўйхатда турган 15 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

## Аввал шароит яратиш зарур

Вилоят Матбуот уйида Самарқанд шаҳар ҳокими Бобурмирозо Облоқулов иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида «маҳаллабай» ишлаб бўйича янги тизимни ташкил этиш юзасидан шаҳардаги маҳаллаларда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги 215 та маҳалланинг 15 таси ўз биносига эга эмас, 11 тасининг моддий-техник базаси қониқарсиз аҳволда. Шунингдек, 21 маҳалла хизматчилари 1 та хонада, 32 таси эса 2 та хонада фаолият юритаб келмоқда.

Жорий йилда 3 та маҳалла фуқаролар йиғини давлат-хусусий шериклик асосида қурилган бўлса, Ургуту ва Ғоғи Темур маҳалла фуқаролар йиғини марказлари

ҳашар йўли билан битказилди. 12 та маҳалла фуқаролар йиғинларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан 850 миллион сўм миқдорига маблағ ажратилди. «Обод маҳалла» дастури асосида бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган Дўстлик ва Янги ҳаёт маҳалла марказларининг бинолари капитал таъмирдан чиқарилиб, мебель жиҳозлари ва компьютер воситалари билан таъминланди.

Жорий йилнинг июль ойига барча маҳалла фуқаролар йиғини раисларини план-шетлар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. 96 та маҳалла марказларига эса мебель жамланмалари олиб бериш режалаштирилган.


Шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари журналистларнинг саволларига батафсил жавоб беришди.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**



**Вилоят "Баркамол авлод" болалар мактабида "Иқтидорингни намоеън эт!" кўрик-танловининг якуни бошқичи ўтказилди.** Вилоят прокуратураси, халқ таълими, молия, ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган танлов уч бошқич ва уч йўналишда бўлди.

**Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йил вилоятимизда 19 минг 329 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилади.**



## Сув тежовчи технологиялар учун 463 миллиард сўм сарфланади

Жумладан, 183 гектар ғалла ва бошқа экин майдонларида ёмғирлатиб сўғориш тизими, 19 минг 146 (13 минг 269 гектар пахта, 2534 гектар боғ, 3030 гектар ток, 309 гектар сабзавот, 4 гектар бошқа экин) майдонларида томчилатиб сўғориш технологияси, йўлга қўйилади. Ёмғирлатиб сўғориш тизими бўйича режадаги 183 гектар ўрнига 1100 гектар майдонда

(601 фоиз) технологияни жорий қилиш бўйича пудрат шартномалари имзоланган. Шартномалар асосида 1100 гектар майдонда 11,4 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган.

**Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ахборот хизмати.**

## Зўравонликка учраётганлар кимлар?

**Кейинги йилларда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласи бўйича катта минбарларда сўз юритилаётгани, кўрсатилаётган амалий кўмаклар юзасидан ҳисобот сўралаётгани ушбу масалага эътибор кучайганидан далолатдир. Шу пайтгача бу воқеалар айтилмагани, сир тутилгани учун оилавий низолар ортдан келиб чиқаётган жиноятлар сони кўпайганди.**

Бугун бу ҳақда айтилиши баробарида оилаларга амалий ёрдам кўрсатилаётгани туфайли зўравонлик ҳолатлари рақамлари ошиб бораётди. Рақамлар кўпайётгани фуқароларнинг бу масалада ёрдам кўрсатилишидан хабардорлиги ошаётгани натижасидир. Мисол учун, шу йилнинг уч ойи давомида марказимизга 162 нафар фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг 151 нафари аёл киши, 4 нафари эркек ва 7 нафари 18 ёшгача бўлган болалардир. Мурожаатларнинг 11 фоизи «Ишонч телефони» орқали келиб тушган. Зўравонликка учраган шахсларга 84 психологик, 66 юридик, 3 тиббий, ёрдам кўрсатилди.

Рухий зўравонликка учраган 79 нафар шахсларнинг 73 нафари аёллардир. Ушбу зўравонлик 156 ҳолатда оилادا содир бўлмоқда. Хусусан, 115 таси эр-хотин ўртасида, 24 таси кайнона-келин (куёв) ва 7 таси

ота-она ва фарзандлар ўртасидаги можаролар сабабли юзага келган.

Марказга мурожаат қилган жами 162 нафар хотин-қизнинг бир нафари жинсий зўравонликка учраган, 14 нафарига ҳимоя ордери олишда кўмак берилди.

Алоҳида таъкидлашни истардим, бугун марказга мурожаат қилишдан андиша қилиб, йиллар давомида зўравонликдан жабр чекаётган аёллар кўп. Бугун улар билан кўпроқ тизимли ишлаш тарафдориман. Негаки, аёл йиллар бўйи бундай зўравонликларга сабр қилади, аммо оилар, йиллар давомида такрорланган бу ҳолат бир кунги ёмон ҳодиса билан тугаши мумкин.

Бугун марказ нафақат хотин-қизлар, балки оилادا зўравонликка учраган эркекларга ҳам ёрдам кўрсатмоқда. Юқоридаги рақамда ҳам бу ифодаланган. Яқинда имкони-

яти чекланган бир фуқаро оиладагилари томонидан доимий тазйиқларга дучор бўлаётганини айтиб мурожаат қилди. Бу ҳолат марказ мутахассислари томонидан ўрганилди, оила аъзолари билан суҳбатлашилди ва зарур чоралар кўрилди. Айни кунларда бу фуқаро ўз оиласида истикомат қилмоқда, аҳвол илгаригидан кўра анча яхшиланган, у билан мулоқот қилиб тураимиз.

Оиладаги ҳар бир шахс тазйиққа учраши мумкин. Муттаҳил келишмовчиликлар, оила аъзоларининг бир-бирини тушунмаслиги, ҳурмат кўрсатмаслиги бунга сабабдир. Шундан огоҳ бўлайлик!

**Моҳира АЗИМОВА, Зўравонликка жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази вилоят бўлими раҳбари.**

## «Шаффоф хайрия» ягона интерфаол портали ишга тушди

- Хориж давлатларида кўп бўлганман. Аксарият мамлакатларда хайрия ишлари учун, масалан, беморларни даволаш, қийин иқтисодий аҳволга тушиб қолганларга кўмаклашиш мақсадида порталлар ишлайди. У орқали одамлар муаммоларини билдириб, ўзларига етарлича маблағ олишлари мумкин. Бизда ҳам хайрия қиладиганлар кўп. Аммо нега шундай интернет сайтлари йўқ?

**Давлат Низомиддинов, Самарқанд шахри.**

- Бундай сайт бизда ҳам ташкил этилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги "2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида кўра, 1 май кунидан «Шаффоф хайрия» ягона интерфаол портали жорий этилиб, shaffofoh.uz сайти тест режимида ишламоқда.

Ушбу портал норасмий волонтер гуруҳларини ННТ сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмас, балки хайрия қилувчиларнинг пул маблағлари кирим-чиқимининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Аниқроғи, портал хайрия маблағларини марказлашган ҳолда жамлаш ва тақсимлаш, уларнинг мақсадли ва манзилли фойдаланилиши бўйича мазкур жараёнларнинг тўлиқ автоматлашуви ва шаффофлигини таъминловчи мониторингнинг амалга оширилади. Муҳими, «Шаффоф хайрия» хайрия қилувчи шахсларнинг ўз маблағларининг ишлатилишини кузатиб бориш имконини беради.

**Саволга Самарқанд шаҳар адлия бўлими ходими Темур ШУКУРОВ жавоб берди.**

## Онлайн йўлланма олса бўладими?

- Фарзандимга йўлланмани онлайн олсам бўладими? Унинг тартиби қандай?

**Наргиза Мирзакаримова.**

- Албатта, бўлади. Бунинг учун интернет тармоғи орқали mu.gov.uz порталидан фойдаланишингиз лозим. Ариза бериш учун интернетга уланган компьютер ёки смартфон бўлса kifoya. Дастлаб mu.gov.uz порталидан рўйхатдан ўтилади ва "Болани давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш" хизмати танланади. Керакли ҳудуд ва боғча танланиб, фарзандингизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома кiritилади. Ариза тўлдирилгач, фарзандингизга йўлланма тақдим этилади.

## Имтиёзли рўйхатга киритилган анкеталар бўйича йўлланмалар умумий рўйхатга киритилган анкеталарга нисбатан биринчи навбатда расмийлаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 244-сонли қарори қабул қилинган. Унга кўра:

- кўп болали оилаларнинг болалари;
- ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг болалари;
- талабалар ва педагогларнинг болалари;
- етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;
- бошқа муассасалардан ўтказилган болалар;
- акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болаларга имтиёз белгиланган.

**Муҳаммад ШОҚОСИМОВ, вилоят мактабгача таълим бошқармасининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мутахассиси.**

## Ҳар бир болада ИҚТИДОР бор, фақат...



Танловнинг биринчи – мактаб бошқичига вилоят бўйича 30 минг нафардан зиёд ўқувчилар қамраб олинди. Улар орасидан 3 741 нафар йигит-қиз сарланиб, шаҳар ва туман бошқичларида ўз иқтидорини намоеън этди. Бу бошқичда ғолиб бўлган 48 нафар ўқувчи эса танловнинг якуний вилоят бошқичида қатнашди.

- Ҳар бир болада иқтидор бор, фақат уни намоеън эта билиш керак, - дейди вилоят прокуратураси бўлим прокурори Мухаррам Ҳамроева. - Бу танлов бошқармалардан фарқли ўлароқ, дарсларни яхши ўзлаштириб бериш, тарбияси оғир ва махсус ҳисобда турадиган ўқувчилар иштирокида ўтказилди. Улар "Энг яхши китобхон", "Буюк аждодларимизнинг муносиб вориси", "Еш ҳуқуқшунос" йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини намоеън этдилар.

- Тўғриси айтишим керак, мактабда бироз тўполончи эдим, - дейди Қўшработ туманидаги 41-мактаб ўқувчиси Самар Сирожиудинов. - Ўқишга умуман қизиқмасдим. Бугунги танловга тайёргарлик жараёнида китоблар ўқидим, шэрлар ёлладим. Буюк аждодларимиз ҳақида кўп маълумотларга эга бўлдим. Танлов баҳона Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни зиёрат қилдим.

Иштирокчилар орасидан ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар сарланиб, ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Тўлқин СИДИҚОВ.**

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## "SAMARKAND-PARRANDA" акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонаси акциядорлари диққатига!

**"SAMARKAND-PARRANDA" акциядорлик жамияти қўшма корхонаси акциядорларининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 30 июнь кунни соат 17:00 да жамият маъмурият биносидан бўлиб ўтади.**

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 16:00 дан бошланади.

**Манзил:** Самарқанд вилояти Самарқанд тумани, Янгиарик қишлоғи. Электрон почта: [samparranda@gmail.uz](mailto:samparranda@gmail.uz)

**Йиғилиш кун тартиби:**  
1. Жамият қузатув кенгашининг 2020 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.

2. Жамият бошқарув раисининг 2020 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.

3. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан "KOMIL-ISHONCH" масъулияти чекланган жамияти аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва ҳулосасини эшитиш.

5. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

6. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисоб ваарагини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2021 йил учун "Бизнес-режа"сини тасдиқлаш.

8. Жамият қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.  
9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.  
10. Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасига бир йил муддатга узайтириш.

11. Акциядорлик жамияти "SAMARKAND-PARRANDA" қўшма корхонаси янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш.  
12. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

13. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан 2020 йил давомида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилган битимларни маъқуллаш.

14. 2021 йил якунлари бўйича аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

**Йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2021 йил 24 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорларнинг реестрига асосан тузилади.**

Умумий йиғилишга қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакиллари эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар умумий йиғилишига тааллуқли бўлган қўшимча маълумот ва материаллар билан "SAMARKAND-PARRANDA" акциядорлик жамияти қўшма корхонасида танишишингиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 62-моддаси талабларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларга электрон почта орқали юборилиши белгиланган. Шу муносабат билан ўзингизнинг электрон почта манзилингизни жамиятнинг [samparranda@gmail.uz](mailto:samparranda@gmail.uz) электрон почтасига тақдим этишингизни сўраймиз.

**Маълумот учун телефон: (90) 224-10-45**  
**Жамият қузатув кенгаши.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Шадибоева Гулбахор Ишанкуловнага (2020 йил 5 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросохўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Тухтаев Анвар Меликузиевичга (2014 йил 13 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросохўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Самарқанд шаҳридаги 47-ўрта мактабдан 1997 йилда Шаропов Фироз Фазлиевич номига берилган UZI № 095516 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Қизилабеков Иброҳим Хўдайшукур ўғли номига берилган UM № 0499921 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти қошидаги академик лицейдан 2019 йилда Нормуродов Нодирбек Набижон ўғли номига берилган Л № 0004097 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Паст Даргом тиббиёт коллежидан 2011**

йилда Абдуллаева Вазира Убайдулло қизи номига берилган рўйхат рақами 34, К № 2080695 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги «GULYAMOV PLUS» маъмулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306876535) думалоқ муҳри ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги Шўрбоича маҳалла фуқаролар йиғинининг (СТИР: 203441568) думалоқ муҳри ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Расулова Париса Камоловнага қарашли, Самарқанд шаҳри Мотрид кўрғони, Қорасув массиви, Ифтихор кўчаси, 21-уйнинг 1-хонадони учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Расулова Париса Камоловнага қарашли, Самарқанд шаҳри Мотрид кўрғони, Қорасув массиви, Ифтихор кўчаси, 21-уйнинг 1-хонадони учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**  
Паст Даргом тумани Давлат хизматлари марказидан 2019 йил 7 июнда 731376 реестр рақами билан рўйхатга олинган «MODERN CONSTRUCTION MATERIALS AK» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306486324) эски ва янги тахрирдаги низом (устав)лари, таъсис шартномалари ҳамда бошқарув ҳужжатларининг асл нусхалари йўқолган. Ушбу ҳужжатларни топганлардан мукофот эвазига қайтаришингизни сўраймиз. Телефон: (91) 548-02-25.

### СОТИЛАДИ!

Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчасидаги 1-уйнинг 3-қаватидаги уч хонали хонадон (ўртада жойлашган) барча жиҳозлари билан сотилади. Мўлжал: «REGAL PALACE» меҳмонхонаси. Мурожаат учун телефон: (99) 554-70-05, 778-20-70.

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси Нуробод тумани Давлат хизматлари маркази директори Раҳимжон Хонназовга онаси **Бувинур ая ХОННАЗОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси факультетнинг касаба уюшма раиси, "Ботаника" кафедраси доценти, биология фанлари фалсафа доктори Холмурод Жаловга отаси **Ҳажим бобо ЖАЛОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси институт ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Элдор Тангировга акаси **Наим ТАНГИРОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси институт тиббий профилактика, жамоат саломатлиги ва тиббий биология факультети декани ўринбосари Пирмамат Файзиевга отаси **Майрам Бегимов**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси институт тиббий профилактика, жамоат саломатлиги ва тиббий биология факультети декани ўринбосари Пирмамат Файзиевга отаси **Нормат отанин**г вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



